

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БОЗОРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.

Тўқумбетов Оғабек

Турсунов Олим

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари

Аннотация: *Ушбу илмий мақолада қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш нафақат шаҳар иқтисодиётининг барча тармоқларида ўсишни рағбатлантириш, балки энг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам ҳисса қўшиши мумкинлиги, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари, соҳасини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *қурилиш соҳаси, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқариш, тежамкор ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш, бошқарув самарадорлиги, меҳнат ресурслари, корхона, ташкилот, рақобатлашган бозор, бошқарув механизми, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.*

Кириш. Бугунги кунда қурилиш соҳасини модернизация қилиш зарурияти ва бу борада тармоқ стратегияси ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Қурилиш материаллари соҳасини ривожлантиришда қурилиш кластерини шакллантириш ва корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва барқарор ривожланишига имкон берувчи меҳнат кооперациясининг инновацион шакллари яратишдан фойдаланишни талаб этмоқда. Қурилиш саноати ва қурилиш материаллари саноати ўзаро боғлиқдир. Монолит ва йиғма-монолит уй-жой қурилишининг ривожланиши цемент саноати ва темир-бетон буюмлари заводлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келди. Девор материалларига бўлган талабларнинг ортиши мавжуд ишлаб чиқариш объектларини уяли бетон, кўп бўшлиқли ва қопламали ғиштлардан ясалган конструкциялар ва қисмларни ишлаб чиқаришни қайта профиллашга мажбур қилди. Қурилиш кулолчилиги корхоналарида янги турдаги кафел, чинни кошинлар ва сунъий тош ишлаб чиқарилмоқда. Полимер материаллар саноати юқори сифатли маҳаллий линолеум ва Европа стандартларидаги пластмасса қувурларни ишлаб чиқарилмоқда.

Статистик материалларда бошқа нометалл моддий маҳсулотлар тармоғи сифатида белгиланган қурилиш материаллари саноати қурилиш



материалларининг асосий турлари - цемент, ғишт ва бошқа девор материаллари, бетон ва бетон конструкциялар, асбест-цемент маҳсулотлари, керамика, плиткалар, юлка тошлари, иссиқлик изоляцион материаллар, том ёпиш материаллари ва бошқаларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Қурилиш материаллари саноатига қуйидаги тармоқлар киради:

1. цемент ишлаб чиқариш;
2. оҳак, гипс ва маҳаллий боғловчи материаллар ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
3. бетон ва йиғма-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш
4. девор материаллари ишлаб чиқариш
5. қурилиш керамикаси ишлаб чиқариш
6. асбест ва асбест-цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
7. полимер қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рябцев, А. Ю. фикрига кўра тартибга солиш - бу оғишларни бартараф этиш орқали тизимнинг хусусиятларини маълум бир траектория бўйича сақлаш жараёнидир.

Тартибга солиш уч босқичда амалга оширилади:

1) ўзгарувчиларнинг ҳақиқий ҳолатининг талаб қилинганидан оғишларини текислаш (захираларни ўз вақтида тўлдириш, жиҳозларни таъмирлаш);

2) компенсацион хусусиятга эга бўлган тизимни керакли ҳолатдан чиқарадиган омилни (материалларни ўз вақтида олишни таъминламайдиган етказиб берувчига нисбатан қонуний жазо чораларини) бартараф этиш орқали;

3) тизимни бузилишлардан ажратиш орқали

Таниқли иқтисодчи олимларимиздан М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевнинг таълимотлари бўйича, “тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб, у содир бўлиб турадиган оғишларни бартараф қилиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эҳтимол тутилган оғишларнинг олди олинади.”¹

Тадқиқот методологияси . Мақолада Ўзбекистон қурилиш материаллари бозорининг ривожланишини илмий жиҳатдан ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қурилиш материаллари саноатида ички талабнинг юқорилиги натижасида 2016 йилдан 2021 йилгача қурилиш саноати маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши

¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Тошкент, Ўқитувчи. 2001 й. 78 б.



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



кузатилди. 2.3-жадвалда 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда қурилиш материалларининг асосий турларини ишлаб чиқариш динамикаси кўрсатилган.

Ўзбекистонда қурилиш саноати томонидан 2016-2021 йиллардаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш динамикаси²

№	Маҳсулот номи	Ўлч ов бир лиг и	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
			со ни					
1	Мармар, Ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун ва бошқа оҳакли тошлар	мин г тон на	404,4	469,4	528,9	707,8	226,9	174,9
2	Гранит, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун қумтош ва бошқа тошлар	мин г тон на	466,7	1162,8	1288,1	1058,9	1126,3	1390,7
3	Мозаика ишлари учун сирти 49 см. кв.дан катта бўлмаган, сирланмаган, керамик плиткалар, кубиклар ва шу каби буюмлар	мин г кв м	96,7	64,3	90,7	2727,8	2618,4	12974,6
4	Мозаика ишлари учун сирти 49 см. кв.дан катта бўлмаган, сирланган, керамик плиткалар,	мин г кв м	48,4	118,4	201,4	8866,9	5492,6	14444,7

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



	кубиклар ва шу каби буюмлар							
5	Бошқа гуруҳларга киритилмаган сирланмаган, керамик ерга ётқизиш учун плиталар ва печлар, пол ва деворларга қоплаш учун плиткалар	мин г кв м	165, 9	181, 2	1 803, 4	2 783, 6	3 064 ,4	3 639,2
6	Бошқа гуруҳларга киритилмаган сирланган, керамик ерга ётқизиш учун плиталар ва печлар, пол ва деворларга қоплаш учун плиткалар	мин г кв м	9 351, 2	9 265, 6	14 102, 6	6 162, 0	7 538 ,1	2 047,6
7	Қурилиш учун ўтга чидамсиз керамик ғишлар (кремнезёмли тош уни ёки диатомит тупроқлардан тайёрланган буюмлардан ташқари)	млн дон а	1 487, 1	1 567, 2	1 705, 3	1 212, 0	989 ,9	1 065,1
8	Қурилиш учун ўтга чидамсиз керамик ғишлар (кремнезёмли тош уни ёки диатомит тупроқлардан тайёрланган буюмлардан ташқари)	мин г дон а	35,0	6,8	63,7	43,1	115 ,7	188,4



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



9	Портландсемент	МИН Г ТОН НА	8 645, 9	9 132, 2	9 080, 4	10 582, 0	11 961 ,6	13 284,4
10	Сўндирилмаган ва сўндирилган оҳак	МИН Г ТОН НА	599, 0	310, 0	343, 0	319, 0	284 ,9	316,7
11	Гидравлик оҳак	МИН Г ТОН НА	7,0	9,1	33,5	26,8	23, 2	2,6
12	Семент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	МИН Г ТОН НА	2 784, 8	2 826, 5	2 968, 5	2 725, 1	2 650 ,0	3 176,2
13	Қуйиш учун тайёр бетон	МИН Г ТОН НА	1 804, 5	2 284, 0	4 175, 9	5 124, 9	5 892 ,4	5 724,3
14	Асбестосементдан ёки шу каби таркибида асбест бўлган материаллардан буюмлар	МИН Г ТОН НА	450, 6	512, 9	606, 6	391, 9	432 ,4	408,6
15	Бошқа гуруҳларга киритилмаган, қурилишда, безашда ёки хайкалтарошликда ишлатиладиган ишлов берилган тош ва ундан тайёрланган бошқа	МИН Г ТОН НА	443, 6	729, 5	799, 8	739, 6	88, 3	46,9



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



	буюмлар (оҳактош, туф, базалт ва б.)							
16	Асфалт ёки шу каби материаллардан тайёрланган ўрамлардаги буюмлар	мин г кв м	10 385, 0	6 581, 1	6 049, 4	9 977, 2	6 924 ,4	11 007,8
17	Блоклар, листлар ёки ўрамлардаги шлак пахта, минерал силикат пахта ва шу каби минерал пахталар	мин г тон на	10,2	9,7	8,6	13,5	12, 5	13,7
18	Қатламларга ажралган вермикулит, шиширилган лой, кўпиртирилган шлак ва бошқа шиширилган минерал маҳсулотлар, жумладан уларнинг аралашмалари	мин г тон на	13,4	14,9	28,7	40,8	41, 5	21,2

Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш динамикаси 2021 йилда 2016 йилга нисбатан бу кўрсаткичлар қуйидагича ўзгарган, гранит, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун қумтош ва бошқа тошлар 10924 г тоннага, мозаика ишлари учун сирти 49 см. кв.дан катта бўлмаган, сирланмаган, керамик плиткалар, кубиклар ва шу каби буюмлар 11201,6 минг кв мга, мозаика ишлари учун сирти 49 см. кв.дан катта бўлмаган, сирланган, керамик плиткалар, кубиклар ва шу каби буюмлар 14396,3 минг кв мга, бошқа гуруҳларга киритилмаган сирланмаган, керамик ерга ётқизиш учун плиталар ва печлар, пол ва деворларга қоплаш учун плиткалар 3473,3 минг кв мга, қурилиш учун ўтга чидамсиз керамик ғиштлар (кременезёмли тош



уни ёки диатомит тупроқлардан тайёрланган буюмлардан ташқари) 153,4 минг донага, портландцемент 4638,4 минг тоннага, цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар 3919,8 минг тоннага, қуйиш учун тайёр бетон 3919,8 минг тоннага, асфалт ёки шу каби материаллардан тайёрланган ўрамлардаги буюмлар 622,8 минг кв мга, блоклар, листлар ёки ўрамлардаги шлак пахта, минерал силикат пахта ва шу каби минерал пахталар 3,5 минг тоннага ва қатламларга ажралган вермикулит, шиширилган лой, кўпиртирилган шлак ва бошқа шиширилган минерал маҳсулотлар, жумладан уларнинг аралашмалари 7,8 минг тоннага ортган ҳолда мрамор, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун ва бошқа оҳакли тошлар 229,5 минг тоннага, бошқа гуруҳларга киритилмаган сирланган, керамик ерга ётқизиш учун плиталар ва печлар, пол ва деворларга қоплаш учун 7303,6 минг кв мга, қурилиш учун ўтга чидамсиз керамик ғиштлар (кремнезёмли тош уни ёки диатомит тупроқлардан тайёрланган буюмлардан ташқари) 422 млн донага, сўндирилмаган ва сўндирилган оҳак 282,3 минг тоннага, гидравлик оҳак 4,4 минг тоннага, асбестосементдан ёки шу каби таркибида асбест бўлган материаллардан буюмлар 46,0 минг тоннага ва бошқа гуруҳларга киритилмаган, қурилишда, безашда ёки хайкалтарошлиқда ишлатиладиган ишлов берилган тош ва ундан тайёрланган бошқа буюмлар (оҳактош, туф, базалт ва б.) 396,7 минг тоннага камайгани кузатилмоқда

Хулоса. Қурилиш материалларининг асосий турларини ишлаб чиқариш, шунингдек, узоқ муддатли ўзини ўзи қоплаш муддати билан энг кўп капитал талаб қилади. Янги корхоналарни қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш катта молиявий ресурсларни талаб қилади, бир қатор корхоналарнинг ўзини оқлаш муддати олти йилдан ортиқни ташкил этади. Цемент, шиша каби қурилиш материаллари турларини ишлаб чиқариш энергияни кўп талаб қилади, бу эса маҳсулот таннархига таъсир қилади.

Республикада 4 та корхона тўлиқ технологик цикли цемент ишлаб чиқаради. Умумий ишлаб чиқариш қуввати қарийб 6,5 миллион тоннани ташкил этади, бу нафақат республика эҳтиёжларини қондириш, балки экспортга маҳсулот етказиб бериш имконини беради. Инвестицион фаолликнинг пасайиши билан боғлиқ цемент ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайишидан сўнг, цемент ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич ўсиши кузатилмоқда (ҳар йили тахминан 5 фоиз).

Цемент ишлаб чиқариш юқори энергия сифимлиги (ишлаб чиқариш харажатдаги энергия улуши 25% ни ташкил этади) ва транспорт хизматлари тарифлари билан ажралиб туришини инobatга оладиган бўлсак, цемент ишлаб чиқарадаган корхоналарининг аҳволи энергия нархининг доимий ошиб бориши билан мураккаблашмоқда.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Тошкент, Ўқитувчи. 2001 й. 78 б.
2. Веснин, В.Р. Основы менеджмента: Учебник / В.Р. Веснин. – М.: Проспект, 2016. - 256 с.
3. Қосимов Ғ.М. Менежмент: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.: Ўзбекистон, 2002. 256 б.
4. Управление организацией: Учебник. / Под ред. А. Г. Поршнева, З. П. Румянцевой, Н. Саломатина. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2002. - 198 с.
5. Состав промышленности строительных материалов, ее место в строительном комплексе и национальной экономике.
Статья. URL: <http://investobserver.info/sostav-promyshlennosti-stroitelnyx-materialov-ee-mesto-v-stroitelnom-komplekse-i-nacionalnoj-ekonomike/> (дата обращения: 03.04.2016).
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. Тошкент, 2015-2021 йиллар.
7. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг йиллик ҳисоботлари

